



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<https://doi.org/10.55439/ECED/vol23 iss2/a6>

Ҳайдаров Урал Ахмадович -
ТДИУ, Банк иши ва инвестициялар
кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларида ислом молия воситаларидан фойдаланиш йўллари, шунингдек, унинг афзаликлари таҳлили ва ривожлантириши истиқболларини тақомиллаштириши ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада ислом молия воситаларидан фойдаланиш йўлларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида фойдаланишини ривожлантириши истиқболларидағи мавжуд мұаммолар ҳамда уларни бартараф этиши бўйича муаллиф ёндашувлари ва тақлифлари келтирилган.

Калим сўзлар: тижорат банклари, ислом молияси, мушорака, сукук, мудораба, муробаҳа, молиялаштириши, ислом банклари, ислом дарчалари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СПОСОБОВ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСЛАМСКОЙ ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Ҳайдаров Урал Ахмадович -
доцент кафедры «Банковское
дело и инвестиции» ТГЭУ

Аннотация. В данной статье рассматриваются способы использования исламских финансовых инструментов в коммерческих банках, а также анализ их преимуществ и перспективы развития. Также в статье представлены существующие проблемы в перспективах развития использования исламских финансовых инструментов в деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан, а также авторские подходы и предложения по их решению.

Ключевые слова: коммерческие банки, исламские финансы, мушараха, сукук, мудораба, муробаҳа, финансирование, исламские банки, исламские окна.

IMPROVING WAYS TO USE THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN COMMERCIAL BANKS

Haydarov Ural Axmadovich -
TSEU, Associate Professor of
"Banking and Investment"

Abstract. This article discusses the ways of using Islamic financial instruments in commercial banks, as well as an analysis of its advantages and prospects for improvement. The article also presents the existing problems in the prospects for the development of the use of Islamic financial instruments in the activities of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, as well as the author's approaches and proposals for their solution.

Key words: commercial banks, islamic finance, musharakah, sukuk, mudoraba, murababah, financing, islamic banks, islamic windows.

Кириш. Иқтисодий замонавий босқичда дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Ислом молия тизимиға бўлган қизиқишиб тобора ривожланиб бормоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида: “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича хуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари эксперталари жалб этилади” [1], – деб таъкидлаб ўтди.

Маълумки, мамлакатимизда Исломий молиялаштириш ишлари 2004 йилда бошланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) аъзолигига қўшилгани билан боғлиқ Ҳусусан, бугунги кунда миллий иқтисодиётимиздаги бизнес субъектларининг 80 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилди ва уларнинг чорак қисмигина кредит хизматидан фойдаланади. Банк активларининг 85 фоизи эса давлат банкларига тегишли ва уларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун саноқли маҳсулотлар мавжуд. Шу боис аксарият тадбиркорлар тижорат банкларини молиялаштиришнинг афзал манбаи ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисботларига етарли даражада эътибор бермаслиги, солиқ идораларига тақдим этадиган расмий ҳисботларида эса аксарият

ҳолатда ҳақиқий молиявий ҳолатни кўрсатмаслигига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари ҳам ўз навбатида, бундай ҳисботларга ишонч билдирамайди, бу эса кўплаб тадбиркорларнинг кредитлаш имконияти чекланишига олиб келиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Ислом молия ва унинг фаолияти бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, сўнгги йилларда ислом молияси назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ислом иқтисодиёти кенг ўрганилаётган долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Хусусан, рус олими Хасбулатов (2014) Ислом молиясини мамлакат иқтисодиёти ва молия тизимини ривожлантиришнинг ажралмас йўналиши сифатида ўрганган. Журавлев (2017), асосан, ислом банклари фаолиятининг ўзига хослиги ва уларнинг рискларини тадқиқ этган.

Махмуд ва Эль-Халифа Мухаммаднинг (2010) ислом банклари тарихини ўрганишга бағишиланган асарида ислом банкларининг тўлиқ шариатлар меъёрига асосланиши, лекин ислом тамойилларига асосланмаган бизнес мухитида унинг қўлланилиши мумкинлиги эътироф этилган. Халқаро валюта фондининг собиқ ижрочи директори, Ислом молия институтларини ривожлантириш бўйича Халқаро марказнинг бош директори ҳамда Ислом таълим олиш маркази раиси доктор Аббос Мираҳор ва Жаҳон банки хазинасининг инвестициялари бўйича директори Замир Иқболнинг (2011) фикрича, ислом тизими кредит беришни фоиз асосида таъқиқловчи тизим сифатида тавсифланади.

Яна бошқа гурӯҳ тадқиқотчилардан Иқбол Мираҳор ва Моҳсин Хан (2005) бундай талқин тугалланмаган ва нотўғри хulosаларга олиб келади, деб ҳисблайди. Уларнинг фикрича, Ислом давлатларида ислом банк тизими фаолиятини тартиба солишнинг асосий элементлари унинг исломий қонунларга бўйсунишидан келиб чиқади. Яъни ислом банки ислом шариатларига асосланган назорат тизимига эга ҳисобланади. Россиялик олимлар Беккин (2008) ва Кочмоланинг (2007) тадқиқотларига кўра, ислом молия институтлари тўлиғича ислом қоидалари жорий этилмаган, масалан, Малайзия ва Туркия мамлакатларида муваффақиятли операцияларни амалга оширмоқда.

Эл-Гамал Махмуд фикрича (2006), ислом банкчилиги асослари кўплаб олимлар томонидан ўрганилмоқда. Уларнинг таъкидлашича, анъанавий ёки фарб банк операцияларидан ислом банк ишининг асосий фарқли жиҳати ссуда фоизини ундиришни таъқиқлаш ҳисобланади. Бундай назарий асосни яратиш Ислом

банкчилигини ўрганиш доирасининг бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланган бизнесдаги йирик ва асосий муаммоларини ҳал этишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Лекин Ўзбекистонда Ислом банклари фаолияти меъёrlари ва ҳуқуqlари, шунингдек, уларни тартибга солувчи воситалари чукур ўрганилмаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим ва тадқиқотчилар X.Хасанов, Ж.Имамназаров, М.Султанов, Н.Аллаберганова ва О.Давлатяровнинг (2017) илмий ишларида ҳам изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Б.Жўраев (2018) томонидан ислом молиясига оид адабиётлар хорижий тилдан ўзбек тилига таржима қилинган. Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ва ислом молия воситалари орқали молиялаштириш тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман, бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, миллий иқтисодиётимиз учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишлар талаб этилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гурухлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳдил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган тижорат банкларида ислом молия воситаларидан фойдаланиш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб, тегишли хulosалар шакллантирилди.

Таҳдил ва натижалар. Бизга маълумки, ислом молияси қарз бериш ёки молиялаштириш ишларида айнан шариат тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олади ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қиласди. Хусусан, ислом банкчилигида маблағларни жалб этиш шариат тамойиллари асосида шерикчилик, қарз ёки сақлаб бериш (омонат) шартномалари асосида амалга оширилади. Анъанавий банкчилика эса кафолатланган фоиз эвазига маблағлар жалб этилади.

Ислом банкчилигида жалб этилган маблағларнинг ишлатилиши ҳам анъанавий банкчиликтан моҳиятан фарқ қиласди. Маблағлар ислом молияси тамойилларига биноан сотиш, ижара/лизингга бериш ёки шерикчилик асосида ёхуд молиялаштириш/инвестиция шартномалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Ислом банкчилигида ислом дарчаси хизматлари ва маҳсулотларини анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларига солиштирган ҳолда қуйидаги келтирилган 1-расмда кўришимиз мумкин:

Ислом банки маҳсулотлари	Анъанавий банки маҳсулотлари
Бизнес ва банкчиллик	Бизнес ва банкчиллик
Молиялаштириш маҳсулотлари	Кредитлар
Муробаха, салам, мушорака, истисна, ижара, қарз	Айланма маблағлар, асосий воситалар, лизинг, микрокредитлар
Инвестиция хизоблари	Депозитлар
Вадиа, қарз, музораба, вакала	Жорий ҳисобрақамлар, муддатли депозитлар
Бошқа хизматлар	Бошқа хизматлар
Бошқа молиявий хизматлар (шариат тамойиллари асосида ўрнатилган таърифлар)	Бошқа молиявий хизматлар
Чакана банкчиллик	Чакана банкчиллик
Молиялаштириш маҳсулотлари	Истеъмол кредитлари, автокредит, ипотека кредити, кредит карточкалари, овердрафт, овернайт
Муробаха, салам, мушорака, истисна, ижара, қарз	Депозитлар
Инвестиция хизоблари	Жорий ҳисобрақамлар, муддатли депозитлар
Вадиа, қарз, музораба, вакала	Бошқа хизматлар
Бошқа хизматлар	Бошқа молиявий хизматлар
Бошқа молиявий хизматлар (шариат тамойиллари асосида ўрнатилган таърифлар)	

1-расм. Ислом банклари ва анъанавий банк хизматларининг фарқли жиҳатлари

Манба: Илмий изланишилар ва иқтисодий адабиётларни ўрганиши жараёнида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги расм маълумотларига кўра ислом банклари томонидан кўзда тутилган молиявий хизматлар ва маҳсулотларнинг ҳозирда мавжуд анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларига муқобил эканлиги, шу билан бирга, анъанавий банкчилликка нисбатан ҳатто мослашувчан эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, юридик шахсларга мўлжалланган асосий воситаларни молиялаштиришни оладиган бўлсак, ушбу турдаги молиялаштириш ислом банклари орқали бир неча усул билан (шартнома турига боғлиқ) мижознинг молиявий ҳолати, бизнес режаси ва фаолият туридан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилиши мумкин.

“Исломий банк хизматлари дарчаси”, умуман, анъанавий банк хизматларини кўрсатмайдиган исломий банкдан фарқли равиша, анъанавий тижорат банки таркибидаги ислом тамойилларига асосланган ҳолда банк хизматларини таклиф этувчи алоҳида тузилмавий бирлиқdir.

Бугунги кунда “Ислом тараққиёт банки” гурухи таркибига кирувчи “Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом корпорацияси”да (ICD) Ўзбекистоннинг бир неча тижорат банкларида ислом молияси маҳсулот ва хизматлари тақдим этувчи дарчаларни (“ислом дарчалари”) очиш ва ривожлантириш борасида фаол тарзда ишлар амалга оширилмоқда.

Ислом дарчалари кўпинча мамлакатларда ислом молия тизими ёки ислом молияси бўйича хукуқий-меъёрий асослар мавжуд бўлмагандан ташкил этилади. Чунки ислом дарчалари маълум мамлакатнинг мавжуд қонунлари ва хукуқий базаси асосида чегараланган миқдордаги хизматлар ва маҳсулотларни анъанавий банкнинг таркибий бўлинмаси маҳсулоти сифатида таклиф этади. Тўлақонли ислом банкчилиги хизматлари ва маҳсулотлари эса одатда, ўша мамлакатда тегишли қонунлар ишлаб чиқилганидан кейин тақдим этилади.

Мамлакатимизда ислом дарчалари фаoliyatiни йўлга қўйишида тижорат банклари кўйидаги афзалликларга эга бўлади (1-жадвал). Ҳозирги кунда дунё миёсида 80 дан ортиқ мамлакатда 1 400 га яқин ислом молия муассасалари мавжуд бўлиб, Халқаро валюта жамғармаси маълумотига кўра, сўнгги 10 йил ичida банк тизимида ислом молия муассасаларининг муҳим ўрни борлигини кўрсатиб берди. Эътиборлиси, ислом молия муассасалари нафақат мусулмон ўлкаларда, балки Европа давлатларида, Канада, Филиппин ва Сингапур каби мусулмонлар ҳамжамияти озчиликни ташкил қиласиган мамлакатларда ҳам мавжуд.

Шунингдек, бугунги кунда ислом молиявий хизматлари улуши дунё молия бозорида ортиб бориб, ўзида инновацион молиялаштириш

механизмларини жамлаган соҳа сифатида муҳим молиявий манбалардан бирига айланиси бормоқда. Сўнгги йилларда исломий молия

муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 триллион долларни ташкил этиб, йилига 15-20 фоизга ошиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

1-жадвал

Ислом дарчалари афзаликлари

№	Тижорат банкларида ислом дарчаларининг афзаликлари
1.	Ички ва ташқи манбалардан молия маблағлари жалб этиш ҳисобидан банкларда қўшимча молиявий маблағлар пайдо бўлади (яъни ликвидилик ошади)
2.	Банклар ўз активлари ва мажбуриятларини диверсификация қилишга эришади
3.	Банклар ўзларида мавжуд анъанавий хизматларга қўшимча равища ислом молия хизматларини ҳам таклиф этади ва шу орқали ўз мижозларининг эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиради
4.	Ислом дарчаси фаолияти натижасида келган даромад банкларнинг умумий даромади ошишига олиб келади
5.	Ҳозирги вақтда анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларидан фойдаланмаётган мижозлар сони ислом дарчалари маҳсулот ва хизматларидан фойдаланишига эришилади, бу эса банкнинг умумий мижозлари сони сезиларли ўсишига олиб келади

Манба: илмий изланишлар ва иқтисодий адабиётларни ўрганиши жараённида муаллиф томонидан тузиљди.

Мамлакатимизда Ислом молияси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида 2021 йил 4 сентябрда Ислом банки ва молия соҳасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиши қўллаб-куватлаш учун Ислом тараққиёт банки томонидан 265 000 АҚШ доллари миқдорида техник ёрдам гранти ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 5 мартағи “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари айни ислоҳотларга ҳуқуқий замин сифатида хизмат қилмоқда.

“Исломий банк хизматлари дарчаси” Америка Express Bank, HSBC, ANZ Гриндлайс, БНП-Парибас, Chase Manhattan, UBS каби ва бошқа кўплаб биринчи даражали банкларда мавжуд. Улар шариат қоидаларига риоя қилган ҳолда анъанавий банк маҳсулотларига тўлақонли муқобил бўлмиш банк хизматларининг барча турларини тақдим этиши мумкин.

“Ипак йўли” банки Ўзбекистонда исломий молиялаштириш механизмларини кенг жорий этиш бўйича лойиҳада фаол иштирок этишига ҳар доим катта қизиқиши билдириб келган. Хусусан, у ислом банкчилиги тамоиллари асосида кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиялаштиришни таъминлаш бўйича ХСРИК билан ҳамкорликни бошлаган биринчи ўзбек банкидир. 2006 йилдан бошлаб “Ипак йўли” банки томонидан 3 та молиялаштириш линиялари бўйича жами 22 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ жалб этилган. Улар доирасида 43 та лойиҳа молиялаштирилди ва 650 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. “Ипак йўли” банки

Исломий молиялаш соҳасида катта тажриба ва билимларга эга. Бу эса банк Ўзбекистонда “Исломий банк хизматлари дарчаси” лойиҳасини муваффақиятли жорий қилишига асос бўла олади.

Ўзбекистондаги 14 та банқда ислом дарчасини йўлга кўйиш устида ишлар бошланган. Хусусан, замонавий трансформация жараёнларини бошдан ўтказаётган Туронбанк айни шу йўналишда доимий ва ишончли ҳамкори бўлмиш Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан навбатдаги муҳим шартномани имзолади. Унга кўра, энди Туронбанқда “Исломий дарча” тамоили асосида Ислом банкчилиги тизимини жорий этиш бўйича маслаҳат бериш ва ушбу тизимни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлар бошланди.

Дарҳақиқат, “Туронбанк” АТБда “Ислом дарча”сининг ишга тушиши бўйича тайёргарлик ишлари ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда биргаликда қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга туртки бериши шубҳасиздир. Бунинг натижасида банк томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, Исломий тамоилларга асослаган чакана ва корпоратив маҳсулотларни таклиф этувчи воситани яратиш имкони пайдо бўлади. Маълумот ўрнида айтиш керак, Туронбанк Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан 2019 йили Жидда шаҳрида 10 млн. АҚШ долларилик “Кичик ва ўрта бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш” тўғрисидаги шартномани имзолаган эди. Унинг доирасида кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Ислом тараққиёти банки Бошқарувчилар Кенгашининг 46-йиллик анжумани дастури

доирасида "Трастбанк" ХАБ Ҳусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ХСРИК) билан 10 миллион АҚШ доллари миқдорида битим имзолади. Бу маблағ соғлиқни сақлаш, жумладан, фармацевтика соҳаси, озиқовқат саноати каби йўналишларни ривожлантириш учун йўналтирилиши режа қилинган. Қолаверса, мазкур исломий дарча орқали "Трастбанк" ХАБ мижозларига ислом молияси тамойиллари асосидаги молиявий хизматларни таклиф этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз тижорат банкларида фаолиятини бошлаган ислом дарчалари банк тизимининг ривожланиши, молиявий хизматлар сифатининг ошиши, ҳусусий тармоқ вакиллари салоҳиятининг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ислом давлатлари банкларида ўзининг маълум жиҳатлари мавжуд эканлигини кузатишимиш мумкин. Яъни ислом тамойиллари асосида кредит бериш учун тижорат банклари берадиган ресурсни ҳам ислом тамойиллари асосида жалб қилиши лозим бўлади. Ҳусусан, тижорат банклари фоизга депозит жалб қилиб, мижозларга ислом тамойили асосида кредит берса, банк мижозлари ушбу кредитдан фойдаланмаслиги мумкин. Чунки депозит жалб этиш ислом тамойилига жавоб бермайди. Бу борада мамлакатимизда, энг аввало, ислом молияси бўйича жамиятимизда молиявий саводхонликни ошириш борасида маълум ишларни амалга оширишимиз зарур.

Ҳусусан, ҳозирги глобаллашув жараёни мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам ислом

банкчилиги ва молияси тамойиллари асосида татбиқ этиладиган банк-молия хизматлари ва маҳсулотлари тузилмасини яратиш долзарб аҳамият касб этаётганини ҳисобга олган ҳолда, куйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Ислом банкчилигига талаб юқори бўлган жойларда анъанавий банклар учун янги имкониятлар тақдим этди. Бироқ "ислом дарчалари"ни очмоқчи бўлган банклар ўз таркибида ислом фикҳи, ислом молияси ва хукуқи бўйича олимлар/экспертлар ҳамда банк иши мутахассислари бўлган мустақил шариат қўмитасига эга бўлиши керак.

2. Ислом молияси воситаларидан фойдаланиш учун амалдаги банк қонунчилиги, Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонуности хужжатларига ўзгартиришлар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиниши лозим. Шунингдек, бу соҳада кадрларни тайёрлаш ва аҳолининг саводхонлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

3. Ислом молиясининг энг муҳим ва ажойиб ҳусусиятларидан бири унинг активлар билан таъминланган бўлиши шартлигидир. Молиялаштиришнинг анъанавий шаклида банк ва молия муассасалари фақат пул бирликлари билан ишлайди. Шунинг учун ҳам улар мол / маҳсулотлар билан савдо қилишни таъқиқлайди. Ислом молиясида эса пул савдо моли сифатида тан олинмайди, чунки у ички қийматга эга эмас, у бор-йўғи алмашинув воситаси. Ислом банклари пул эвазига ички қийматга эга бирор нарсанинг устига устама қўйиб сотиш эвазига фойда олади. Шунинг учун ҳам анъанавий молия муассасаларидан фарқли равишда исломда молиялаштириш активларга асосланган.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. Журавлев А.Ю. (2017) Исламский банкинг. – М.: ООО «Садра». С. 4.
3. Mahmoud A. El-Khalifa Mohamed. (2010) History of Islamic Banks and a contemporary Basic Guide to Islamic Banking and Finance. – Saarbrücken: VDM Verlag Dr. Muller. – 188 p.
4. Iqbal Z., Mirakhor A. (2011) An introduction to Islamic finance: theory and practice. – Singapore: John Wiley & Sons (Asia) Pte. Ltd. – 406 p.
5. Khan Mohsin S., Mirakhor A. Theoretical Studies in Islamic Banking and Finance. – North Haledon, New Jersey: Islamic Publications Int., 2005. – 246 p.
6. Беккин Р.И. (2008) Исламская экономика. Краткий курс. – М.: АСТ Восток-Запад, 288 с.
7. Кочмолова К.В. (2007) Исламские финансовые институты в мировой финансовой архитектуре. – Ростов-на-Дону: РГЭУ «РИНХ». – 368 с.
8. El-Gamal Mahmoud A. (2006) Islamic finance: law, economics and practice. – Cambridge: Cambridge University press. –222 p.
9. Sudin Haron & Wan Nursofiza Wan Azmi 2009, Islamic finance and banking system, McGraw-Hill Professional, United States.
10. Brian Kettell 2011, Introduction to Islamic Banking and Finance, John Wiley & Sons, United States
11. Ҳасанов Ҳ. Ахлоқий (исломий) молиялаштириш тизими – инновацион молиялаштириш востаси сифатида (Ўзбекистон ва МДҲ мисолида). "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" шамий-электрон журнали. 5-сон, 2017 й.; Имамназаров Ж. Ўзбекистонда ислом банк-молия тизимини шакллантириши ва ривожлантириши истиқбол ва имкониятлари. – Т.: Бозор, пул ва кредит, 2018. 9-сон. 30-37-б.
12. Исломий молиялар ва банк тизими. Таржимон: Ботирхўжа Жўраев. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 464 б.
13. Ҳайдаров й. Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини тақомиллаштириши. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2020. 8-б.